



ЯГМО — туркий кабилалардан бири. 9-аср 1-ярмида Ягмолар уйгурлар таркибида бўлган. 840 йил уйгурлар киргизлар билан бўлган урушда енгилгач, улардан 15 уруг ажралиб карлуклар химояси остига ўтган. «Ягмо» — 15 уруг бирлашмасининг туркийча номи. 10-аср бошида Ягмо ларнинг катта бир кисми Кашкарга — Тяньшаннинг жан. шаркий ён багирларига, Норин дарёсининг юкори окимидаги худудларга кўчиб келиб, ўтrockлашган. Ягмолар коракхонийлар давлатини барпо этишда карлук, чигил, халаж каби кабилалар билан бир каторда фаол катнашган. Ягмо ларнинг асосий кисми 11-асрнинг 1-ярмида коракхонийлар кўшини таркибида Мовароуннахрга келиб жойлашган ва кейинчалик ерли халклар билан аралашиб, ўз этник номларини унутганлар.